

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ДИЛМУРАД НАРМУРАТОВИЧ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУҲИТИДА ТАЪЛИМДА**  
**КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ**  
**ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Маматов Дилмурад Нармуратович**

Рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик  
жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш..... 3

**Маматов Дилмурад Нармуратович**

Педагогическое проектирование процессов корпоративного  
сотрудничества в образовании в цифровой технологической среде ..... 35

**Mamatov Dilmurad Narmuratovich**

Processes of corporate cooperation in education in the environment of  
digital technologies pedagogical design..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 71**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТОВ ДИЛМУРАД НАРМУРАТОВИЧ**

**РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР МУҲИТИДА ТАЪЛИМДА**  
**КОРПОРАТИВ ҲАМКОРЛИК ЖАРАЁНЛАРИНИ**  
**ПЕДАГОГИК ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Ped283 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Узоқбой Шоимкулович Бегимкулов**  
педагогика фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна**  
педагогика фанлар доктори, профессор

**Хамидов Жалил Абдурасулович**  
педагогика фанлар доктори, профессор

**Химматалиев Дўстназар Омонович**  
педагогика фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2022.Ped.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел. (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).)

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**З.Н.Мамаражабова**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**С.С.Булатов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси  
п.ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида рақобатбардош кадрлар тайёрлашда педагогик лойиҳалаштирилган корпоратив ҳамкорлик технологиялари ва моделлари амалиётга татбиқ этилмоқда. Ижтимоий хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи мураккаб ақлий тизимларни шакллантириш, талабаларнинг фаол ҳамкор ва ҳаммуаллиф сифатларини ривожлантириш, рақамли технологиялар асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва тижоратлаштириш талабларига мос корхона-университет ҳамкорлигининг янги моделларини яратиш ва амалиётга татбиқ этишга қаратилган йирик лойиҳаларни бажариш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида илғор таълим тажрибалари асосида эришилган ижобий натижаларни умумлаштириш ва ривожлантириш, касбий таълим соҳаларида таълимнинг ягона ахборот-таълим порталларини такомиллаштириш ва ахборот-методик таъминотини таъминлаш, ноу-хау технология холдинг компаниялари ва саноат корпорацияларига кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим тизимини ривожлантириш, ОТМ-корхона ҳамкорлик моделини яратиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга талабалар, ўқитувчилар ва тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш, таълим, касбий-педагогик тадқиқот инновацион бошқарувининг кўп функцияли маконини яратиш, субъект-субъект ўзаро алоқадорлигини ривожлантиришнинг кўп профили муҳитини яратиш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифатини ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш, олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари ҳузурида ихтисослаштирилган илмий-экспериментал лабораториялар, юқори технология марказлари ва технопаркларни ташкил этишнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Олий таълим жараёнини рақамли форматга ўтказиш, рақамли таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида билимлар трансферини таъминлаш, ҳар бир таълим олувчининг шахсий хусусиятларини инобатга олган ҳолда билим, кўникма ва компетенцияларни шакллантириш учун ахборот тизимларини жорий этиш, лойиҳавий ўқитиш усулларини кенгайтириш”<sup>1</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Натижада, таълим тизимида “STEM” дастурини яқин истиқболда босқичма-босқич жорий этиш, “НЕСІ” глобал мақсадига мувофиқ келгуси ўн йиллик учун янги давлат талаблари ва таълим стандартларининг намунавий моделларини ишлаб чиқишнинг имкониятлари кенгайди.

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5068549>

Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон “Олий таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ тизимни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 27 октябрдаги “Олий таълим муассасаларини нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришга доир илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, Massachusetts Institute of Technology, Princeton University (АҚШ), University of Cambridge (Буюк Британия), Seoul National University, Ajou University (Корея), Fudan University, Shanghai University (Хитой), Technical University of Munich (Германия), Singapore Management University (Сингапур), Москва давлат университети, Қозон давлат архитектура ва қурилиш институти (Россия) да илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш даражаси инновацион компонентларни аниқлаш тенденцияларига асосланиб ишлаб чиқилган (Massachusetts Institute of Technology, Princeton University); таълимда педагогик лойиҳалаштириш, рақамли технологиялар асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва тижоратлаштириш талабларига мос саноат-университет ҳамкорлигининг янги моделлари жорий этилган (University of Cambridge (Буюк Британия); ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда энг яхши технологияларни ишлаб чиқиш, тижоратлаштириш имкониятлари ва

<sup>2</sup> Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида ёритилган: “UNESCO Strategy for Technical and Vocational Education and Training adopted at Executive Board” (2022); Digital Transformation in TVET (2021), Higher education in Uzbekistan: structure, developments and reform trends. Tashkent: United Nations Development Programme Representative Office in Uzbekistan // European Commission. (2012), Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: пед. фан. док. дис. – Т.: ТДПУ, 2007. – 305 б.; Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Т.: Фан, 2004, 124 б., Сафин Р.С. Непрерывное образование: новые реальности: Монография. – СПб. СПбГЭУ, 2020. – 197 с., Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. – СПб., 1995.

инфратузилмасига асосланган тадқиқот моделларини яратишган (Seoul National University, Ajou University (Корея)); Германияда «2+1+1» иқтидорли кадрлар тайёрлаш модели ва «Дуал таълим тизими» муваффақиятли жорий этилган (Technical University of Munich); миллий саноат рақобатбардошлигини оширишга ёрдам бериш учун корхоналар, тадқиқот институтлари, ҳукумат ва маҳаллий ҳукуматларни бирлаштирган саноат-университет ҳамкорлик тизимининг янги модели яратилган (Singapore Management University (Сингапур)); Хитойда Delta Group ташкилотининг турли университетлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган, корхоналар учун зарур бўлган истеъдодларни тайёрлаш учун ўқув жойлари ва амалиёт базаларини тақдим этилган. Хориждаги ОТМ-корхона ҳамкорлик тажрибасини Хитойда жорий таълимнинг миллий шартлари билан бирлаштириб, «буюртма асосида» ОТМ-корхона ҳамкорлик модели пайдо бўлган (Fudan University, Shanghai University (Хитой)); замонавий технологик муаммолар, технологиялар ва ноу-хау, технология холдинг компаниялари тизими ва саноат кооперациялари учун кадрлар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилган (Москва давлат университети, Қозон давлат архитектура ва қурилиш институти (Россия)).

Дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларида рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича қуйидаги йўналишларда илмий изланишлар олиб боришда: талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда очиқ таълим ресурслари ва академик ахборотларни тизимлаштириш, “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси, рақамли ва сунъий интеллект технологиялари ҳамда робот машиналарнинг иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага кенг кириб бориши туфайли кўплаб касблар бўйича ишчи ўринларнинг йўқолиб бориши трендларини корреляцион-регрессион таҳлил қилиш ва мазкур жараёнларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, жаҳон иқтисодиётида яқин, ўрта ва узоқ келажакда кутилаётган глобал қақриқлар ва прогноз моделларни чуқур таҳлилга асосланиб таълим стратегияларини ишлаб чиқиш, “Рақамлаштириш”, “Декарбонизация” ва “Реформация” учлиги – келажак учун “чипта” моделларини глобал келажак трендлари сифатида миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиш, катта ҳажмли маълумотлар (Big Data), булутли технологиялар (Cloud Technologies), интернет буюмлари (Internet of Things (IoT)) ва геном технологиялари (Genome Technologies) каби замонавий технологияларнинг ривожланишини таҳлил қилиш ва миллий таълим тизимига жорий этиш, янги давлат талаблари ва таълим стандартларининг намунавий моделларини ишлаб чиқишда асосий йўналишлар доирасида амалга ошириш керак бўлган илмий-тадқиқотлар олиб бориш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамиз педагог-олимлари Б.С.Абдуллаева, А.Абдуқадиров, У.Ш.Бегимқулов, А.С.Джураев, Р.Х.Джураев, Х.И.Ибрагимов, О.Куйсинов, С.Ю.Махмудов, М.Т.Мирсолиева, Ж.А.Ҳамидов, Н.Қаюмова, Н.А.Муслимов, Н.И.Тайлақов, Ў.Қ.Толипов, Д.О.Химматалиев, А.Р.Ходжабаев, Ш.С.Шарипов, М.А.Юлдашевлар педагогик лойиҳалаштириш технологияларини таълим жараёнига жорий этиш

масалалари, Ш.Шодмонова, М.Ўразовалар<sup>3</sup> таълимни лойиҳалаштириш масалалари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Олий таълим муассасаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш Е.П.Белозеров, А.И.Фрадков, В.И.Байденко, Т.Г.Бондаренко, Р.С.Сафин, Т.А.Дуйсенбаев, П.К.Ализода; касбий тайёрлаш технологиясини В.И.Андреев, В.П.Беспалько, Г.К.Селевко, Е.П.Сизинцева, В.А.Сластёнин, Н.Е.Шчуркова<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида атрофлича тадқиқ қилинган.

Хорижий мамлакатларда рақамли технологияларни таълимда жорий этиш бўйича тадқиқотлар Е.L.Cowen, U.Mangal, E.Johnson, J.Locard, M.Rosenberg, M.Ratcliffe, G.Kulanthavel, D.Hodson, J.Bencze, Dan Shunk, M.Harper, Lijian Qin, Xun Wang, Ellis, K.Ryann<sup>5</sup> ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тошкент давлат техника университетининг ИЗ-202011162 “Бўлажак муҳандис-кадрларни масофавий ўқитиш ва унинг натижаларини “SMART” технологияси ёрдамида баҳолашнинг дастурий таъминотини яратиш” (2021-2022 йй.) ва Жиззах политехника институтининг “AIF ¼-Касб-хунарга йўналтирилган марказ ва электроника бўйича кўшма ўқув лаборатория яратиш” мавзулардаги илмий амалий лойиҳалар доирасида бажарилган (2019-2021йй).

<sup>3</sup> Абдуллаева Б.С. Использование электронных тренажеров для обучения учащихся начальных классов // Информатика. 2015: <https://www.semanticscholar.org/author/Абдуллаева-Барно-Сайфутдинова/81337267>; Абдукодилов А.А. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти: Монография. – Т.: Фан, 2009. – 145 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т.: ТДПУ, 2007. – 305 б.; 119. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дис. д-ра пед. наук. – СПб., 1995. – 43 б.; Джураев А.С. Малака ошириш жараёнида тингловчиларнинг касбий малакасини ривожлантиришнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш: Пед. фанл. бўй. фанс. д-ри (PhD) дис. ... Автореф. – Самарканд, 2019. – 50 б.; Махмудов С.Ю. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш жараёнида инновацион – вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2021. – 335 б.; Мирсолиева М.Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2008. – 235 б.; Муслимов Н.А. Касб таълим ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2007. – 315 б.; Тайлаков Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари (информатика курси мисолида): Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т.: 2006. – 248 б.; Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2004. – 314 б.; Химматалиев Д.О. Касбий фаолиятга тайёргарликни диагностика қилишда педагогик ва техник билимлар интеграцияси (техника олий таълим муассасалари “Касб таълими” йўналишлари мисолида): Пед. фанл. д-ри ... Дис. – Т., 2018. – 248 б.; Эрназарова Г.О. Касб-хунара коллежи ўқувчиларини акмеологик ёндашув асосида касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш: Пед. фанл. д-ри (DSc) ... Дис. – Т., 2018. – 337 б.; Юлдашев М.А. Халқ таълими ходимларининг малакасини оширишда таълим сифати менежментини такомиллаштириш: Пед. фан. д-ри ... Дис. – Т., 2016. – 309 б.; Қўйсинов О.А. Компетентли ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик жиждорлигини ривожлантириш технологиялари: Пед. фан. д-ри ... Дис. – Т.: 2019. – 268 б.; Ҳамидов Ж.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда ўқитишнинг замонавий дидактик вазиталарини яратиш ва қўллаш технологияси: Пед. фан. д-ри ... Дис. – Т., 2017. – 337 б.

<sup>4</sup> Сафин Р.С. и др. Современные образовательные технологии в техническом вузе: Монография. – К.: КГАСУ, 2014. – 217 с., Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: ИРПО, 1996. – 336 с., Байденко В.И., Оскарсон Б. Базовые навыки (ключевые компетенции) как интегрирующий фактор образовательного процесса // Профессиональное образование и формирование личности специалиста. – М.: Профессия, 2002, Бондаренко Т.Г., Колмаков В.В. Дистанционное обучение как активная образовательная технология: оценка целесообразности внедрения // Азимут научных исследований: педагогика и психология, vol. 7, no. 3 (24), 2018, pp. 53-57, Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с., Сизинцева Е.П. Педагогическое сопровождение проектной деятельности учащихся, направленное на их индивидуальный прогресс: теория и практика // Инновационные формы, технологии и методы обучения в системе образования: Монография / Коллектив авторов. – М.: Saint-Louis, MO: Publishing House “Science & Innovation Center”, 2013. – 492 с., Сластёнин В.А. Педагогика: Учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. – М.: Школа-Пресс, 2000. – 512 с.

<sup>5</sup> Mangal S.K., Fundamentals of Educational Technology, Ludhiana: Tandon Publications, 1994, Locard James, Computers for Twenty-First Century Educators (6th ed.) Boston: Pearson, 2004. Rosenberg, Marc Jeffy, E-learning, New York: McGraw-Hill, 2001. Ratcliffe M. Pedagogical content knowledge for teaching concepts of the nature of science, 2011. Retrieved from [www.mennta.hi.is/malthing\\_radstefnur/symposium9/.../nfsun9\\_submission\\_5.doc](http://www.mennta.hi.is/malthing_radstefnur/symposium9/.../nfsun9_submission_5.doc), Hodson D. Looking to the Future: Building a Curriculum for Social Activism, Rotterdam, and the Netherlands: Sense Publishers, 2011. IMF/Fiscal Affairs Dept. (2004). Public-Private Partnerships, Bencze J L., Alsop S., Bowen G.M., Journal of Activist Science and Technology Education 1(2) (2009) 78-112, Dan Shunk. (2003). The Creation of a Competency-based, anytime. – Any Place Education System for Academia and Industry. Business and e-Work Conference, Prague, Czech Republic, Harper, M. (2000). Public Services through Private Enterprise: Micro-Privatisation for Improved Delivery. Intermediate Technology Publications, Lijian Qin, Xingxing Fei. Journal of Suihua University, 2018, 38(05). Xun Wang, Yan Wang. Continue Education Research, 2018 (05), 62. Ellis, Ryann K. (2009). Field Guide to Learning Management Systems, ASTD Learning Circuits Fournier, Laurent (2014). Merchant Sharing ar: 1405.2051 [q-fin.ec].

**Тадқиқотнинг мақсади** рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнилари педагогик лойиҳалаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш жараёнларини лойиҳалаштиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

“Фан-таълим-ишлаб чиқариш” корпоратив ҳамкорлигини касбий трансформациялашни лойиҳалаштириш жараёнини такомиллаштириш;

рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини лойиҳалаштириш моделини такомиллаштириш;

рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштиришнинг таркибий тузилмаси ва босқичларини такомиллаштириш;

рақамли таълим муҳитида “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси асосида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш инновацион технологиясини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштириш жараёни танланган бўлиб, тажриба-синов ишларида Тошкент шаҳридаги Аджу университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент кимё технология институтларидан жами 307 нафар талаба иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид фалсафий, социологик, психологик-педагогик адабиётларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилиш, ижтимоий-педагогик (кузатиш, суҳбат, ташхислаш, сўровнома, тест), тажриба-синов, мониторинг натижаларини математик ва статистик қайта ишлаш методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштириш жараёнларини педагогик имкониятлари тафаккур динамикаси, босқич назарияларининг чегаралари, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодкорлик, мотивация, мақсадни белгилаш, ижтимоий контекстларни мослаштириш ҳамда субъект-субъект алоқадорлигини форматив ва сумматив баҳолаш асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш модели квантлаш, тўлақонлилиқ, кўрғазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, компьютер кўмаги мазмунини касбий фаолиятга визуал лойиҳалаштириш ҳамда конструкторлик дастурларини ишлаб чиқариш соҳасига касбий трансформациялашнинг таркибий тузилмаси ва функционал талаблари уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

“Фан-таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги”ни лойиҳалаштириш жараёнлари ўзаро алоқа тизимлари, мотивацион, интеллектуал, рефлексив, иродавий сифатлар, ижтимоий контекслар ҳамда мотивацион-интеллектуал ва амалий фаолиятли вазиятларни касбий трансформациялаш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштириш таркибий тузилмаси ташкилий-дидактик шарт-шароитлари методик РМВоК (Project Management Body of Knowledge) технология ва таълимда очик таълим дастурлари, академик ахборот тизимлари, [www.ajou.ais.uz](http://www.ajou.ais.uz), Smart technology таъминоти ҳамда маънавий-ўзгартирувчи ҳаётий фаолият ва замонавий таълим шароитини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш инновацион касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда Agile лойиҳаларни бошқариш тизими элементларидан фаолият турларини мослашувчанлиги ҳамда мотивацион, интеллектуал, иродавий ва ҳиссий сифатларни ўзаро уйғунлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Рақамли таълим муҳотида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга қаратилган тавсиялар ҳамда касбий таълим жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича кўрсатма тайёрланган; касбий таълим жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий ва методик таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий ишланмаларидан таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш, ўқув режалари, ўқув дастурлари, дарсликлар, методик қўлланмаларни яратиш, касбий таълим йўналишлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш бўйича илмий-методик тавсиялар берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги:** билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат ҳодисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазибаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Рақамли таълим муҳотида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштиришнинг педагогик омиллари асосланган; рақамли таълим муҳотида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш модели такомиллаштирилган, рақамли таълим муҳотида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш

жараёнини педагогик лойиҳалаштириш моделини такомиллаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилган, касбий таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида амалга оширишнинг технологик таъминоти яратилган, рақамли таълим муҳитида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш жараёнлари мазмуни ва методларини такомиллаштириш бўйича дастурий ва методик таъминоти яратилган, лойиҳалаштириш орқали касбий таълим жараёнларини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишлари белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация тадқиқот муаммоси бўйича адабиётларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиш, рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш ва педагогик тажриба-синов ишлари орқали олинган натижалар олий таълимда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Рақамли таълим муҳитида корпоратив ҳамкорлик асосида талабаларни касбга тайёрлаш жараёнини педагогик лойиҳалаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари:

рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини педагогик имкониятлари тафаккур динамикаси, босқич назарияларининг чегаралари, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодкорлик, мотивация, мақсадни белгилаш, ижтимоий контекстларни мослаштириш ҳамда субъект-субъект алоқадорлигини форматив ва сумматив баҳолаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Педагогик web-дизайн” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи асосида берилган 233-0239-рақамли нашр рухсатномаси). Мазкур компетенциялар тизими олий таълим муассасалари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштирилган ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишга хизмат қилган;

рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш модели квантлаш, тўлақонлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, компьютер кўмаги мазмунини касбий фаолиятга визуал лойиҳалаштириш ҳамда конструкторлик дастурларини ишлаб чиқариш соҳасига касбий трансформациялашнинг таркибий тузилмаси ва функционал талаблари уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Педагогик web-дизайн” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи асосида берилган 233-0239-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, “Педагогик Web-дизайн” фанини ўқитишда назарий ва амалий ишланмалар электрон таълим ресурслари, ўқув-методик тавсиялар мазмунида ўз аксини топган ва асосий адабиёт сифатида олий таълим тизимида малакали мутахассис кадрлар тайёрлашда қўлланилган;

“Фан-таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги”ни лойиҳалаштириш жараёнлари ўзаро алоқа тизимлари, мотивацион, интеллектуал, рефлексив, продавий сифатлар, ижтимоий контекслар ҳамда мотивацион-интеллектуал ва амалий фаолиятли вазиятларни касбий трансформациялаш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар “Педагогик web-дизайн” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи асосида берилган 233-0239-рақамли нашр рухсатномаси). Натижада, ОТМ ва корхона ҳамкорлиги амалиётда тажрибадан ўтказилди ва малакали кадрлар етказиб бериш йўлга қўйилди;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштиришнинг таркибий тузилмаси ташкилий-дидактик шарт-шароитлари методик РМВоК (Project Management Body of Knowledge) технология ва таълимда очик таълим дастурлари, академик ахборот тизимлари, [www.ajou.ais.uz](http://www.ajou.ais.uz), Smart technology таъминоти ҳамда маънавий-ўзгартирувчи ҳаётий фаолият ва замонавий таълим шароитини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар замонавий таълимда “Фан-таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги” муаммолари, таълимда назарий билимларни визуаллаштириш орқали ишлаб чиқариш соҳасига трансляция қилиш, таълимда аутсорсинг давлат-хусусий шериклик механизми бўйича тавсиялар Тошкент давлат техника университетида бажарилган ИЗ-20201162-рақамли «Бўлажак муҳандис-кадрларни масофавий ўқитиш ва унинг натижаларини «SMART» технологияси ёрдамида баҳолашнинг дастурий таъминотини яратиш» номли грант доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2022 йил 1 декабрдаги 02-074327/04 сон далолатномаси). Натижада, рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш имкони кенгайтирилган;

талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш инновацион касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда Agile лойиҳаларни бошқариш тизими элементларидан фаолият турларини мослашувчанлиги ҳамда мотивацион, интеллектуал, продавий ва ҳиссий сифатларни ўзаро уйғунлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар “Педагогик web-дизайн” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 19 июлдаги 233-сон буйруғи асосида берилган 233-0239 рақамли нашр рухсатномаси) Натижада, олий таълим муассасаси ва корхона ҳамкорлигида касбга тайёрлашда талабаларнинг таълим самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 30 та илмий ишлар, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларининг чоп этилган тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола (10 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 255 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, диссертация тадқиқотининг усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида олий таълим муассасаларида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш педагогик муаммоси, рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш тамойиллари, талабаларни касбий малака талабларини аниқлашда “фан-таълим-ишлаб чиқариш” ҳамкорлигининг ўрни ва роли ёритиб берилган.

Н.Нишоналиев тадқиқотларида бўлажак касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашнинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий босқичлари кўрсатиб ўтилган. Н.А.Муслимовнинг илмий ишларида бўлажак касб таълим ўқитувчисининг касбий шаклланишига мотивацион омил, интеллектуал омил, иродавий омил, эмоционал омил, амалий-предметли омил, экзистенциал омил, ўз-ўзини бошқариш омили таъсир кўрсатиши тадқиқ қилинган. Ў.Қ.Толипов “Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари” мавзусида тадқиқот ишларини олиб бориб, бўлажак ўқитувчиларда касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришда педагогик технологияларнинг ўрни ҳамда уни таълим жараёнида қўллашнинг муҳим томонлари тадқиқ қилган. Ш.С.Шарипов эса, бўлажак касб таълими ва мехнат таълими ўқитувчилари-талабаларни ихтирочилик фаолиятига тайёрлашнинг илмий йўналишларини ишлаб чиққан. А.Р.Ходжабоев томонидан бажарилган тадқиқот ишида мехнат ва касб таълими ўқитувчисининг ўқув-методик таъминотининг педагогик асослари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган, уларни амалиётда қўллаш йўллари кўрсатиб берилган. М.Б.Ўразова бўлажак касбий таълим педагогини лойиҳалаш фаолиятига тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш муаммосини тадқиқ қилган.

П.Р.Атутов, Л.Н.Макарова, С.Д.Поляков, В.А.Сластенин, И.Ф.Исаевлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, профессионалик, шахсни касбий шакллантириш нафақат маълум миқдордаги билим, кўникма ва

малакаларни ўзлаштиришни, балки ижтимоий хатти-ҳаракатларни тартибга солувчи мураккаб ақлий тизимларни шакллантиришни, ушбу касб вакилларига хос бўлган шахсий, касбий тажрибани тўплаш ва уни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш қобилиятини шакллантиришни ҳам ўз ичига олади. Педагогик ва нопедагогик олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетенциясини шакллантириш масалалари бўйича В.А.Адольф, А.М.Кочнев, С.В.Мелешина, М.М.Левиналар ўз изланишларини олиб боришган. Касбий ва педагогик компетенциялари ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар Г.Вайлер, Н.С.Розов, А.К.Маркова, Е.А.Климов, Н.В.Кузьминалар томонидан амалга оширилган бўлса, касбий педагогик компетенциянинг алоҳида таркибий компонентларини шакллантириш воситаларини ўрганиш Д.Шейлз, Ц.Йотов, Г.Я.Буш, Н.В.Кулюткин, А.М.Матюшкин, М.Ю.Посталюк, А.А.Вербицкий томонидан амалга оширилган. Мутахассиснинг тайёргарлигини шакллантиришда алоҳида ўқув фанларини ташкил этиш йўллари Ю.К.Бабанский, О.В.Долженко, Б.А.Душков, Ю.Н.Емельянов, И.П.Калошиналар томонидан, касбий ва педагогик компетенцияларнинг алоҳида компонентларини шакллантиришнинг педагогик шароитлари эса, В.В.Горшкова, М.И.Лисина, В.Я.Ляудислар томонидан тадқиқ этилган.

Шунингдек, касбий педагогик компетенциянинг алоҳида ташкилий қисмлари (компонентлари)ни шакллантиришнинг педагогик жараёнлари бўйича кўплаб тадқиқотлар мавжуд, аммо мазкур жараёнлар бир-биридан алоҳида тадқиқ этилмоқда. Jarnecki ва McVitty эса, “ташқи омиллар ва кенгроқ сиёсий контекст муқаррар равишда талабаларнинг фаоллиги қандай ривожланишини белгилайди, аммо прагматизм ва ҳақиқийликнинг тегишли мувозанатига эришадиган жавобни шакллантириш мумкин бўлиши керак” дейди. Dunne ва Zandstralарнинг илмий ғояларида талабаларни “тинглайдиган” ва шунга мос равишда жавоб берадиган муассаса билан талабаларга муҳим деб ҳисоблаган соҳаларни ўрганиш, ечимларни тавсия этиш ва талаб қилинадиган ишларни амалга ошириш имкониятини берадиган муассаса ўртасида нозик, аммо ўта муҳим фарқ бор. “Талабалар овозини тинглаш” тушунчаси – атайлаб бўлмаса ҳам – билвосита – талабанинг “истеъмолчи” сифатидаги нуқтаи назарини ва “талабалар ўзгаришлар агенти сифатида” эса, талабанинг “фаол ҳамкор” ва “хаммуаллиф” сифатидаги нуқтаи назарни қўллаб-қувватлайди ҳамда трансформация потенциалига эгаллигини кўрсатиб ўтади. Wise ўз илмий қарашларида ҳамкорлик ёндашувини ривожлантиришнинг асосий сабабларидан бири талабалар билимини пассив қабул қилувчилар эмас, балки ўқув жараёнининг фаол иштирокчилари бўлишлари кераклигига ишониш, ҳамкорлик бу иштирокни ривожлантириш учун калит дея ҳисоблайди.

Замонавий олий таълим муассасаларида таълим, фан, инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолиятининг узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепцияси жорий этилмоқда. Рақамли технологиялар асосида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни, техник воситаларни, фан ютуқларини жорий этишга замин

яратади. Буларнинг барчаси эса иқтисодий тармоқларида энг кам меҳнат сарфи эвазига жаҳон бозори талабларига мос сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асос бўлади ва бу юқори иқтисодий самарадорликни таъминлайди.

Бизнинг тадқиқотимизда талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда етакчи омил сифатида корпоратив таълимга устувор аҳамият берилади. Бизнинг фикримизча, ОТМда корпоратив таълимни ташкил этиш зарурати ОТМ битирувчиси – бўлажак мутахассиснинг касбий, шахсий ва компетенциявий фазилатларини шакллантиришдан келиб чиқади.

Тадқиқот давомида, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштиришда ОТМ куйидаги ҳолларда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши мумкин: компетенциявий ёндашувни ривожлантириш бўйича махсус ташкил этилган ўзаро алоқадор корпоратив ҳамкорлик таълим ва тузилмаларни лойиҳалаш; таълим, касбий-педагогик, амалий, тадқиқот, инновацион, тарбиявий, бошқарув, иқтисодий ва молиявий унсурларни ўз ичига олган кўп-функцияли маконни яратиш; ОТМ – иш берувчи ўртасида субъект-субъект ўзаро алоқадорлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи кўп профили муҳитни яратиш.

Таъкидлаш жоизки, олий таълим муассасалари талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида уларда касбий компетенцияларини ривожлантириб боришнинг корпоратив ҳамкорлик асослари сифатида юқорида келтирилган талаблар инobatга олиниши муҳим аҳамиятга эга.



**1-расм. Талабаларда касбий компетенциясини ривожлантиришнинг корпоратив ҳамкорлик асослари**

Корпоратив ҳамкорлик асосида олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенциясини ривожлантириб бориш заруриятини аниқловчи омил сифатида хизмат қилади. Корпоратив ҳамкорлик асослари олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенцияни мунтазам ривожлантириб бориш зарурияти йўналишидаги мавжуд талаблар тизимини ифодалайди. Талабаларда ривожлантириладиган билим, кўникма ва компетенциялар мазмуни ва муҳим аҳамиятга эга бўлган шахсий сифатлар йўналишида белгиланадиган талаблар унинг компонентлари ҳисобланади.

Корпоратив ҳамкорлик асослари талабаларда касбий компетенцияни ривожлантиришда узлуксизлик ва узвийликни таъминлаш, халқнинг бой интеллектуал мероси ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, таълим муассасаларида таълим олувчилар ва уларни битирувчиларнинг малакасига нисбатан меъёрлар ва талабларни белгилаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатига баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий этиш, кадрларни мақсадли ва сифатли тайёрлаш учун таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, таълим мазмунини, таълим ва тарбиянинг ўзаро боғлиқлигини, узлуксиз таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда изчилликни таъминлашни назарда тутати.

Дунёда таълим тизимлари амалиёт жараёнларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказишларига фаол киришиш учун таълим тизими ўз тузилмалари, ўқув дастурлари мазмуни, иш услубларини доимий инновациялар нуқтаи назарини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиши зарур. Жамиятимизнинг иқтисодий ва фаровонлик таъминоти сифатида самарали тараққиётга ҳисса қўшадиган, илмий-техник тадқиқотларнинг универсал кўламига киришимизга имкон берувчи ўзаро алоқа тизимларидан фойдаланиб, ҳудудий ва миллий географик чегаралардан ошиб ўтишга ҳаракат қилиши керак. Таълим олдида қўйилаётган муаммолар ижтимоий, маданий ва иқтисодий дунёда уларнинг ишлаб чиқариш функциясини қайта режалаштиришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, таълимнинг ишлаб чиқариш сектори билан алоқасини қайта кўриб чиқиш зарур деб ҳисобланади.

Олий таълим муассасаларида талабани баркамол инсон сифатида шаклланиши, унинг меҳнат бозорида ўз ўрнини топиши, жамият тараққиёти учун баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшиб яшаши ва шу орқали жамиятда ўзлигини намоён этиши яъни талабанинг камол топиши эътиборга олинади. Жамиятда ўз ўрнини топишга интилиш талабанинг касбий шаклланиши билан биргаликда яхлит ҳолда кечадиган ва деярли бир умр давом этадиган мураккаб жараёндир. Кенг маънода касбий шаклланиш деганда талабанинг ўз ақлий қобилиятлари, жисмоний имкониятлари у ёки бу соҳага бўлган лаёқатлари, қизиқиш ва интилишлари, шунингдек қадрият ва дунёқарашларига кўра бирор бир касб соҳасида таълим олиш кейинчалик шу соҳага киришиб, мослаша бориши ва ниҳоят йиллар давомида етук ҳамда малакали мутахассис бўлиб етишиши тушунилади. Касбий тайёргарликка таъсир этувчи мотивацион, интеллектуал, амалий-фаолиятли, ҳиссий-иродавий, рефлексив сифатлари тадқиқ қилинган. Яъни мотивацион хислатлар (инсоннинг бутун ҳаёти давомида шаклланиб, ривожланиб боровчи танлаган касбига бўлган

эҳтиёжлари, мотивлари ва мақсадларни қамраб олади), интеллектуал салоҳият (барча расмий ҳужжатлар асосида ўқитувчи ахборот ва маълумотларни узатишга, билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга интилади), иродавий сифатлар (мақсадга интилувчанлик, ички ва ташқи тўсиқларни, жисмоний ва ақлий зўриқишларни енга олишлик, ўзини тута билишлик ва ташаббускорлик хислатлари), амалий кўникмалар (психологик, педагогик, методик ва техник-технологик қобилиятлар, амаллар, индивиднинг фаолият ва мулоқотнинг турли соҳаларидаги кўникмалари), ҳиссий сифатлар (ўз ҳиссиётларини бошқаришнинг зарурий малакаларини шакллантириши, мотивацион (қаҳр, ғазаб, безовталиқ, аразлаш, ҳасад, ҳамдардлик, уялиш, мағрурлик, кўрқиш, кўнгилчанлик, муҳаббат ва бошқалар)ни бошқариши ҳамда ўз ҳиссий ҳолатларини ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни тушуниши) ҳамда рефлексив (мақсадларни ва уларга эришиш воситаларини танлашдаги эркинлик, виждонлилик, ўз фаолиятига танқидий ёндошув, ҳаракатларнинг кенг қамровлилиги ва англаганлиги, ўз хулқини бошқаларники билан қиёслаб бориши, келажакка ишончи, ўз жисмоний ва психологик ҳолатини талаб даражасида тутиб туриши ва бошқара олиши) сифатлари ташкил этиши таъкидлаб ўтилган.

Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг тамойиллари (тафаккур динамикаси, олинган билимлар, босқич назарияларининг чегаралари, контекстни осонлаштириш, амалиёт, тесқари алоқа, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодкорлик, мотивация, ўзлаштириш мақсадлари, ўқитувчининг умидлари, мақсадни белгилаш, ижтимоий контекстлар, аудиторияда юриш-туриш, кутишлар ва қўллаб-қувватлаш, форматив ва сумматив баҳолаш, баҳолашни ривожлантириш, баҳолашни баҳолаш) дидактика принципларига мослаштириш асосида ишлаб чиқилди.

Илм-фан ва фан ҳамда ишлаб чиқариш барчамиз дуч келадиган умумий муаммоларни ҳал қилиш учун ечимлар ва стратегияларни ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутиши ва бунга фан одатда назарияни мустаҳкамловчи сифатида эмас, балки назарияни амалиётда корхоналарнинг ишлаб чиқаришлари билан биргаликда амалга оширилгандагина эришиш мумкин. Ишлаб чиқариш таълимини ривожлантириш учун кўплаб янги муаммолар ва имкониятлар пайдо бўлади. Булар: таълим ва тадқиқотда глобаллаштириш, тадбиркорлик ва инновациялар, жамиятда таълимнинг жозибадорлиги, қиймат яратиш ҳолати ва иш ўринлари, келажакдаги ишлаб чиқариш ўқув дастурлари.

Ихтиёрий педагогик лойиҳани ишлаб чиқиш шу жараёни аниқ англаган ҳолда ташкил қилишни, ишларни аниқ мантиқий асосда амалга оширилишини талаб этади ва уни умумлаштирилган ҳолда қуйидагича бўлиши мумкин:

Мотивацион: муваффақиятга интилиш, касбий фаолиятни такомиллаштириш ва амалга оширишга бўлган мотивация, ижодий ечимга тайёрлик. Интеллектуал: билиш, тушуниш, англаш, таҳлил, синтез, баҳолаш. Амалий-фаолиятли: идрок, тайёргарлик, йўналтирилган жавоб, амалга ошириш (механизм), оддий вазиятларда малака (тўлиқ очик жавоб), ноодатий вазиятларда ҳаракат қилиш (мослашиш). Ҳиссий-иродавий: қабул қилиш, жавоб бериш, қадрлаш, қийматларни тизимлаштириш (ташқилот), ичкилаштириш. Рефлексив: ўзига хослик ва ечимни юқори даражада ишлаб

чиқиш, ижодий жараёни ташкил этиш, зарур усулларни танлай олиш, ўз ижод салоҳиятини фаоллаштириш, ўз-ўзини баҳолай олиши.

**“Рақамли таълим муҳотида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни педагогик лойиҳалаштириш методологияси”** номли иккинчи бобда рақамли таълим муҳотида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш мазмуни ва модели, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштиришни амалга оширишнинг ташкилий-дидактик шарт-шароитлари, талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда очик таълим ресурслари ва академик ахборотларни тизимлаштиришни педагогик лойиҳалаштириш жараёни имкониятлари кўриб чиқилган.

“Лойиҳалаштириш” термини педагогикага техника соҳасидан кириб келган бўлиб, режа тузиш маъносини англатади. Педагогик жараёни лойиҳалаштириш зарурияти таълим мазмунининг мураккаблигига боғлиқ бўлади. Олий таълим тизимида талабалар таълимининг ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳамкорлиги асосида амалиёт машғулоти вазифасининг хусусиятлари: олий таълим тизимининг ўқув дастури бўйича амалиётлар корхонада олиб борилиши ишлаб чиқиш, ҳамкорлик бир нечта фанларни ўз ичига олиши, талабаларнинг танловини ўз ичига олиши, талабалар ҳақиқий (иш) масалалар билан шуғулланиши, талабалар турли манбалардан ёрдам ва қўллаб-қувватлашни олишлари, баҳолаш талабаларнинг ўзларини жалб қилган ҳолда кўплаб манбалардан (ишлаб чиқаришдаги натижаларидан) олиниши кабилар.

М.Б.Ўразованинг фикрича, лойиҳалаштириш методини таълимда қўллаш бўлажак мутахассисларнинг таълим жараёнини тўғри ташкил этишга, талабалар тафаккурини ривожлантиришга, дарс жараёнида эришиладиган натижаларни олдиндан била олишга хизмат қилади. Бунинг натижасида ўқитиш сифати ва самарадорлиги ошади, талабаларнинг касбий компетентлиги шаклланади. Педагогик лойиҳалаштиришни инновацион педагогик лойиҳаларни яратиш босқичи сифатида қараб, тадқиқотчилар қуйидаги ғояларга таяниб иш тутадилар: педагогик лойиҳалаштириш таълим жараёнига киритиладиган инновацияларни янада сифатлироқ тайёрлашга хизмат қилади; педагогик лойиҳалаштириш – бошқариладиган жараён бўлиб, асосини педагогнинг ижоди ташкил қилган, мураккаб ички структурага эга бўлган тизимдир; педагогик лойиҳалаштириш вариатив характерга эга бўлиб, лойиҳалаштириладиган объект ва педагог ўртасида экспериментал ҳаракатлар орқали амалга ошириладиган тесқари алоқа бўлишини назарда тутди; педагогик лойиҳалаштириш самарадорлигига ташки муҳит катта таъсир кўрсатади ва бошқалар.

Педагогик лойиҳалаштириш объектлари сифатида педагогик ва ўқув фаолиятининг инновацион методлари ва усуллари, педагогик технологиялар, янги типдаги ўқув муассасалари ва бошқаларни қараш мумкин. Лойиҳалаштириш фаолияти методологиясининг бош асоси бўлиб лойиҳалаштириш технологияси, унинг мантиқийлиги ва босқичлилиги ҳисобланади. Педагогик лойиҳалаштириш тадқиқ этилганда, унинг илмий контексти асосини қуйидаги категория ва тушунчалар: “лойиҳа”,

“лойихалаштириш” ва уларнинг ҳосилалари шакллантириши намоён бўлади. Ҳозирги пайтда “лойихалаштириш” тушунчаси – бу “нима бўлиши керак деган фикрни мумкин қадар ихчам ҳолда амалга оширадиган фаолият”дир, деб талқин қилинмоқда. Бунда ниманингдир бўлажак ҳолати ҳақида мақсадга мувофиқ ва аниқ тасаввур қилиш; келажакнинг реал воқелигига доимий интилиш зарурлиги бўйича кўрсатмалар бўлиши муҳим. Лойихалаштиришнинг умумий таърифига мувофиқ, педагогик лойихалаштириш фаолият сифатида қуйидагича тушунилиши мумкин: амалда мавжуд бўлмаган, янги таълим тизимлари ва педагогик фаолият турларини ишлаб чиқиш мақсадидаги амалий йўналтирилган фаолият; педагогиканинг ҳозирги замон таълим тизимларини ривожлантириш, ўзгартириш, такомиллаштиришга оид масалаларни ҳал қилиш ва мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этишга йўналтирилган илмий амалий йўналиши ва ташкил этиладиган амалий фаолияти.

Педагогик лойихалаштиришни ҳар томонлама таҳлил қилиш учун зарур бўлган марказий тушунча “лойиха” бўлиб ҳисобланади. Фалсафий даражада лойиха маънавий-ўзгартирувчи фаолият якуни маъносидаги нуқтаи назардан қаралади. Фаолиятнинг даражада лойиха мақсад ва лойихалаштириш натижаси сифатида тушунилади.

Педагогик терминлар луғатида педагогик лойиха қуйидагича талқин қилинади: “педагогик тизимни берилган вақт оралиғида, ўрнатилган бюджет асосида, натижалар сифатига аниқ талаблар қўйилиши ва ўзига хос ташкилий тузилмага эга бўлишига йўналтирилган ўзаро боғлиқ тадбирлар комплекси; конкрет педагогик масалани ҳал қилиш учун ҳар бир ҳаракатнинг роли ва ўрни, мазкур ҳаракатларни амалга ошириш вақти, уларнинг иштирокчилари ва барча ҳаракатлар тизимининг самарадорлиги учун зарурий шароитларни аниқлаган ҳолда, педагогнинг ҳаракатлари тизими ва структурасини ишлаб чиқиш”. Илмий ва методик адабиётда “лойихалаштириш” ва “лойиха” тушунчаларидан ташқари, педагогик лойихалаштириш контекстини белгиловчи турли модификациядаги терминологияни учратиш мумкин. Айнан тушунчалар маъноларининг турли-туманлиги лойиха иштирокчилари томонидан ўз фаолиятларини ифодалашда ишлатиладиган терминологияни танлашда алоҳида аниқлик билан ёндашувни талаб этади.

Лойихалаш фаолияти “прогноз”, “диагностика”, “коррекция”, “конструкция” ва “моделлаштириш” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқ. Кўриниб турибдики, лойихалаштириш бошқа турдаги интеллектуал фаолиятларга хос кўп жihatларга эга экан, бу эса, ўз навбатида, уларнинг методларини лойиха мақсадларини амалга ошириш учун мақбул тарзда қўллаш имконини беради.

Лойихага киришиб, субъект атроф-муҳитга бошқача назар билан қараш имкониятига эга бўлади, изланувчанлик фаоллиги ошади ва воқеликка ҳақиқий қизиқиш хис этади. Унда ижодий (маҳсулий) тасаввур ва танқидий мушоҳада ривожланади. Бундан ташқари, лойиха иштирокчиларидан ирода ва интилувчанлик, мустақиллик ва масъуллик ҳамда ички интизом талаб этилади. Лойихалаштириш мантиғида назарда тутилган барча босқичларни кетма-кет босиб ўтиш қийин бўлади. Лойихалаш фаолиятининг ҳар бир иштирокчиси

учун бошқа шахслар билан ҳамкорликда ҳаракат қилиш зарур, бу эса коммуникатив маданиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятини режалаштириш ва ташкил этишдан бошлаб оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини (интеллектуал ёки моддий маҳсулотни) тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир. Лойиҳалаштириш саноат ва турли муассасалар, реал жамият муаммолари ўртасидаги интерфаол жараёнга қаратилган. Бу жараёнда таълимни турмуш, табиат, ишлаб чиқариш билан боғлаш имконияти мавжуд. Лойиҳалаштириш методи реал ҳаёт муаммосини ҳал этиш мақсадида режали ўқув машқи сифатида қўлланилиши мумкин. У ўқитувчи раҳбарлиги остида мақсадга йўналтирилган фаол таълим олувчилар учун мўлжалланган. Шунингдек, лойиҳалаш методи талабаларнинг ҳаётий фаолияти ва ўқув фаолиятидаги алоқадорлиги таъминланганидагина қўлланилиши мумкин. Бу қизиқиш ҳиссини яратади ва таълим олувчи учун зарурий мотивацияни таъминлайди. Жамоада ишни режалаштириш ва бажариш билан боғлиқ бўлган иш лойиҳаси бевосита тажриба ўрнини боса олади.

Лойиҳалар қуйидагича берилиши мумкин. Бунда: режалаштириш ва тайёрлашни ўз ичига оладиган лойиҳалар; таълим жараёнларини такомиллаштиришни кўзда тутиш учун мўлжалланган. Замонавий методлар ва уларни татбиқ қилиш орқали такомиллашган технологияни қабул қилиш – юқори натижага эришиш ва меҳнат самарадорлигини оширишга қаратилган; янги ҳаёт шартлари, услуб ёки технологияларни тадқиқ қилиш.

Бундай лойиҳалар педагогик муаммоларни ҳал этади: таълим жараёнидаги салбий ўзгаришларни олдини олиш; баъзи лойиҳалар бошланишидан якунланишигача бўлган барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда замонавий таълим прототипини ишлаб чиқаришга қаратилади.

Лойиҳани танлаш босқичлари: муаммонинг қўйилиши; муаммони ечишга қаратилган мақсад ва вазифаларни белгиланиши; муқобил қарорларнинг таклиф қилиниши; энг яхши қарорнинг сараланиши; сарф-ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда батафсил лойиҳалаштиришни бажариш; таркибий қисмларни тайёрлаш ва йиғиш; дастлабки қабул қилинган вазифанинг ечимини топиш учун тест ўтказиш ва баҳолаш; лойиҳа ҳисоботини тайёрлаш.

Лойиҳанинг режалаштирилишида талаба ўқув мақсадларига жавоб берадиган лойиҳани танлаб, кейин лойиҳа режасини ишлаб чиқади. Бу режа қуйидагиларни ўз ичига олади: лойиҳанинг тасвири ёки эскизи; фойдаланиш мумкин бўлган ахборот манбалари; лойиҳани бажариш учун зарур бўлган ускуна, материаллар; лойиҳани бажариш технологик харитаси; лойиҳани баҳолаш мезонлари.


Ўқитувчи вазифаси. Ўқитувчи ва талабалар муносабатлари ўқув хонасидаги оддий ўқитиш жараёнидан фарқли равишда ҳамкорликда ва норасмий бўлиши, талабаларнинг имкониятларига кўра, лойиҳани эркин танлашга ёрдам беради. Ўқитувчидан бутун лойиҳа давомида раҳбар сифатида иш кўриши ва талабаларни лойиҳани бажаришга тўғри йўналтириши, мустақил фикрлашга ундаши талаб этилади.

**Корпоратив ҳамкорликни амалга ошириш иштирокчилари  
(манфаатдор томонлар)**

Корпоратив ҳамкорликни иштирокчилари	Иштирокчиларнинг вазифаси
Давлат, жамият	Корпоратив ҳамкорлик жараёнида давлат органларининг позициясини тақдим этиш (ДТС, малака талаблари); ОТМнинг юқори малакали, рақобатбардош талабаларини тайёрлаш бўйича буюртмачи ролини бажариш
Олий таълим муассасаси	мақсадларни белгилаш (“фан-таълим-ишлаб чиқариш” форматида); корпоратив ҳамкорлик тузиш ва амалга ошириш; барча иштирокчиларнинг позицияларини мустаҳкамлаш (томонлар, манфаатдор томонлар)
Талабалар	малака талабаларини бажариш, таълим йўналиши бўйича профессионал таълим стандартлар; ишлаб чиқариш амалиётида фаол иштирок этиш; профессионал таълим соҳасидаги ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз тақдирини белгилаш
Иш берувчилар	замонавий меҳнат бозори позициясини тақдим этиш; иш берувчилар таклифларини шакллантириш; академик ва илмий таклиф ва тавсиялар тайёрлаш; корпоратив ҳамкорлик жараёнида фаол иштирок этиш

Рақамли технологиялар муҳотида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш моделида рақамли таълим муҳитини шакллантириш босқичлари (ташкилий тайёргарлик, мазмуний фаолият, натижавий баҳолаш) белгилаб олинди, педагогик шарт-шароитлар таҳлил қилинди (рақамли таълим муҳотида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш дидактик тамойиллари тафаккур динамикаси, олинган билимлар, босқич назарияларининг чегаралари, контекстни осонлаштириш, амалиёт, тескари алоқа, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодкорлик, мотивация, ўзлаштириш мақсадлари, ўқитувчининг умидлари, мақсадни белгилаш, ижтимоий контекстлар, аудиторияда юриш-туриш, кутишлар ва қўллаб-қувватлаш, форматив ва сумматив баҳолаш, баҳолашни ривожлантириш, баҳолашни баҳолаш), жорий этиш тартиблари (рақамли таълим муҳити моҳиятини тушуниш, рақамли таълим ресурсларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш таълимда очиқ таълим дастурлари, академик ахборот тизимлари, [www.ajou.ais.uz](http://www.ajou.ais.uz), Smart technology) услублар асосан фаоллаштирувчи ва ривожлантирувчи тавсифга эга бўлиб, анъанавий тарзда қўлланилганидан ташқари, инновацион усуллардан фойдаланишни ўз ичига олади, шу жумладан, талабаларни ахборот материаллари билан ишлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқишга йўналтиради.

Моделнинг корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш компоненти педагогик таҳлил доирасида акс эттирилган бўлиб, унинг моҳияти таълим дастурлари таҳлили ҳамда ишлаб чиқариш ташкилоти талаблари асосида ўқув фанларининг методик матрицаси такомиллаштирилди.



**2-расм. Рақамли таълим муҳитида талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив хамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш модели**

Республика ва хорижий тажриба асосида ўқув фанларини ўқитиш жараёнини меъёрлаштирилди ва оптималлаштирилган ўқув дастурлари ишлаб чиқилди. Моделнинг рақамли иқтисодиёт шароитида лойиҳалаштирилган корпоратив ҳамкорлик жараёнларни малакавий амалиётга татбиқ этиш компоненти – талабаларнинг дастлабки компетенцияларини аниқлаш асосида педагогик тажриба-синовнинг самарадорлигини ошириш мақсадида талабаларнинг тест топшириқлари, ўз-ўзини назорат қилиш масалалари ва компетенциялари сифатини самарали баҳолаш ва назорат қилишга ёрдам берадиган турли хил вазифалардан фойдаланиш кўзда тутилган. Моделни амалда қўллаш натижаси бу талабанинг касбий компетентли мутахассис сифатида тайёрлаш имконини беради.

Корпоратив ҳамкорликни муҳим таркибий қисми сифатида талабаларда танқидий фикрлаш, ижодкорлик, раҳбарлик қилиш қобилияти, масъулият, ташаббускорлик, мулоқот қобилиятлари, тадбиркорлик, хавф-хатарга тик боқиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган ўзини ўзи бошқариш тузилмаларида иштирок этиши белгиланади.

Фикримизча, рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш олий таълим муассалари ва ишлаб чиқариш ташкилотларини аниқ бир мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини таъминловчи дастурий, ахборот-техник, ўқув-методик тизимлар мажмуасидир.

Ш.С.Шарипов, Ў.Қ.Толипов, А.И.Пискунов, В.А.Сластенин, Л.Ф.Спирин, Н.В.Кузьмина, А.И.Щербаков, О.А.Абдуллина ва бошқалар томонидан таълимни ахборотлаштириш шароитида замонавий профессионал таълими ўқитувчиси модели бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган. Тадқиқот ишимизда таклиф этилаётган “Рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш модели” таълимни рақамлаштириш шароитида замонавий мутахассисга қўйилган талаблар ва уни амалга ошириш тадқиқ қилинган (2-расм). Педагогик жараёнларни лойиҳалаштириш мақсадларига кўра рақамли ресурслар қуйидаги тамойилларга жавоб бериши керак: квантлаш тамойили (ўқув материалларини мазмунан ёпик, минимал ҳажмга эга модулларга ажратиш), тўлақонлилиқ тамойили (ўқув материалларининг асосий мазмунини қамраб олиши, кўргазмалилик тамойили (модуллари матн ва визуаллаштирилган материалларнинг маълум нисбатини сақлаган ҳолда иллюстрациялар ва кадрлар жамланмасидан иборат бўлиши), эркин бошқариш тамойили (талабалар кадрларнинг алмашишини мустақил бошқариш, зарур материалларни исталган марта экранга чиқариш ва назорат топшириқларини бажариш орқали билимларини мустақил синаш имкониятларига эга бўлишлари керак), мослашувчанлик тамойили (ўқув жараёнида маълум бир фойдаланувчининг эҳтиёжларига мосланишни таъминлаши, ўрганилаётган материалнинг мураккаблигини ва чуқурлигини, унинг амалий йўналтирилганлигини ўзгартириш, фойдаланувчининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қўшимча иллюстратив материалларни шакллантириш имкониятларига эга бўлиши керак), компьютер кўмаги тамойили (ўқув материалларининг моҳиятига эътибор қаратиш мақсадида талаба исталган вақтда компьютер кўмагига эга бўлиши).

Таълимни бошқариш тизимларини (LMS) муваффақиятли онлайн ўрганиш, шу жумладан турли LMS томонидан қўллаб-қувватланган интерфаол ва ўқув тузилмаларининг қониқиш ва онлайн курсларда талабаларнинг фаоллигига таъсирини ўрганиб чиқдик. Blackboard ва Moodle ечимини урта амалий тадқиқотларга (алоқа воситалари, самарадорлик воситалари ва талабаларни жалб қилиш воситалари хусусиятларига кўра) илмий-методик таҳлил қилинди. Ушбу таққослашлар натижасида биз таълимни бошқариш тизими сифатида Blackboard ёки Moodle ни танлашда муҳим мезонларни кўришимиз мумкин. Бизнинг шарҳимиз урта ҳужжат, Blackboard ва Moodle алоқа воситалари, унумдорлик воситалари ва талабаларни жалб қилиш воситалари нуқтаи назаридан таққослашга асосланган. Таҳлиллар асосида муаллифлик <http://ais.ajou.uz/> платформаси (академик ахборот тизими) яратилди ва амалиётга жорий қилинди.

**“Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологиялари”** деб номланган учинчи боб рақамли таълим муҳитида талабаларини касбий фаолиятга тайёрлашда “фан-таълим-ишлаб чиқариш” интеграцияси, рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш технологияси, талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнида ишлаб чиқариш амалиёти асосий шакл сифатида ва уни ўтказиш методикаси борасида сўз юритилган ва асослаб берилган.


ОТМ-корхона ҳамкорлигидаги асосий муаммолар ва чоралар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

Концентрик ҳамкорлик: ОТМлар ва корхоналар раҳбарларининг ишлаб чиқариш ва таълимни интеграциялашувини тушуниш даражаси, аҳамияти ва қўллаб-қувватлаши ҳамкорлик муваффақиятига бевосита таъсир қилади. ОТМ ва корхона ҳамкорлигида лойиҳаларни бошқаришни амалга ошириш керак. ОТМ ва корхона ҳамкорлигининг ривожланиши, фанлараро ва идоралараро ҳамкорликни амалга ошириш, ресурсларни оқилона тақсимлаш, корхоналарнинг ривожланишини техник қўллаб-қувватлаш ва турли фанларда назария ва амалиётни бирлаштириш учун шароит яратиш заруриятини талаб қилади.

Бошқарув тартиби: кўпгина ОТМлар пирамида типидagi бошқарув тартибида. Ҳар бир бўлим ўз бўлимлари қоидаларига қатъий амал қилади. Бўлимлар нисбатан мустақил бўлиб, улар ўртасида мулоқот ва ахборот алмашишда тўсиқлар пайдо бўлади. Шу билан бирга, бўлимлар ўртасида боғлиқликлар мавжуд, шунинг учун муаммо юзага келганда бўлимлар масъулиятни бир-бирига юклашга ҳаракат қилишади. ОТМ-корхона ҳамкорлигини муаммосиз амалга ошириш учун бошқариш механизмининг ислоҳ қилиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, биз вазифаларни бир-бирига мос келадиган бўлимларни бирлаштиришимиз, бўлимда махсус бошқарувни амалга оширишимиз, ахборот алмашиш ва ҳуқуқларнинг концентрациясини амалга оширишимиз, мустақилликни таъминлашимиз керак.

Вақт тўқнашуви: ОТМ да академик ўқиш ва корхоналарда амалиёт ва малака ошириш ўртасидаги вақт зиддияти. Шахсларнинг эҳтиёжларига мувофиқ назарий ўрганиш ва кўникмаларга вақт ажратишни мақбул йўллари топиш зарур. Талабалар даражасидаги фарқлар, ўзлаштириш даражаси ва

корхоналар эҳтиёжларидаги фарқларни ўз ичига олган асосий муаммоларни ҳал қилишдир.



3-расм. <http://ais.ajou.uz/> платформаси (академик ахборот тизими)нинг ишлаш алгоритми

Баҳолаш механизми: кампусдан ташқаридаги кредитлар кўпинча ОТМдаги кредитлар билан тенг эмас. Талабаларнинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш учун нафақат талабаларнинг ОТМ даги назарий ўқишлари ва баҳоларини, балки корхонадаги амалий кўникмаларини ва кундалик иш фаолиятини ҳам баҳолаш зарур. Шунинг учун ҳам талабаларнинг корхона ва ОТМ даги ахлоқий даражаси юксак даражада бўлишига эришишимиз лозим.

ОТМ ва корхоналардаги машғулотларда рақамли ахборотлар ва ўқув қўлланмалардан фойдаланиш орқали кўйидаги асосий вазифалар ҳал қилинади: назарий билимларни мустақамлаш; назария билан амалиётнинг алоқасини ўрнатиш; назорат – ўлчов асбоблари билан ишлашда ва оддий (сода) тажрибаларни ўтказишда дастлабки кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш. Корхона ходими ва ОТМ даги профессор-ўқитувчилар биргаликда раҳбарлик қилаётган амалиётлар юқори малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим рол уйнайди, чунки таълимда мустақилликни ривожлантиришга имкон яратади. Дастурий таъминот лойиҳаларининг асосий босқичлари кўйидагилардан иборат: режалаштириш, таҳлил, лойиҳалаш, ривожланиш, етказиб бериш ва техник хизмат кўрсатиш. Дастурий таъминотни лойиҳалашнинг методологиялари: шаршара методологияси, Agile дастурий таъминотни ишлаб чиқиш методологияси, Ssrum методологияси, тежамкор методология.

Педагогик дастурий воситаларнинг гиперматн ҳужжатларини ишлаб чиқишда Microsoft Front-Page (HTML-Hyper Text Markup Language), Alliare Home Site (HTML), Microsoft Power Point, Microsoft Word каби дастурий воситалардан фойдаланилади. Мавзунинг асосий тушунчаларига оид ўқув материалларини яратишда растрли ёки векторли расмлар билан ишловчи дастурлардан фойдаланиш зарур бўлади. Улар қаторига Corel Draw, Corel Xara, Corel Photo Paint, Adobe Photo Shop, Adobe Illustrator кабиларни киритиш мумкин. Динамик иллюстрацияли ўқув материалларини яратишда Disreet 3D Studio MAX, Alais Wave Front, Maya, Light Wave, SoftImage 3D, Adobe Image Ready, Gif Animator, Macromedia Flash, Adobe Premier каби махсус дастурлардан фойдаланилади. Овозли жараёнларни тақдим этиш ва овозни таҳрир қилиш Sonic Foundry Sound Forge, Wave Lab, Sound Recorder ва бошқа дастурлар ёрдамида амалга оширилади. Маълумотлар базаларини яратишда Microsoft Excel, Microsoft Access каби дастурлар қўлланилади.

Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий, мутахассислик, махсус тайёргарлик мазмунини танлаш ва тузиб чиқиш, касбий фаолият ҳақида, унинг вазифалари ҳамда ҳал этадиган таълим-тарбиявий масалалари, муносабатлари усуллари борасида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Европа давлатларида шаклланган анъанага мувофиқ касбий малака мутахассиснинг компетентлиги, уни шакллантиришга қаратилган таълим тизими эса билим, кўникма ва малакалар даражаси билан ўлчанади.

Компетентлик талаба томонидан алоҳида билим ва малакаларни эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегратив билим ва амалий фаолият элементларининг ўзлаштирилишини назарда тутаяди. Битирувчиларнинг касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан компетентлик талабаларнинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият усулларини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади. Шунинг учун талабалар техник-технологик муаммоли-вазиятли топшириқлар ҳақиқий ишлаб чиқариш вазиятлари билан боғлиқ муаммоларга дуч келиши керак. Шунда улар муаммоли-вазиятли топшириқлар асосини

ташқил этувчи муаммони ҳал этишда ақлий фаолиятни турли усуллар (анализ, синтез, таққослаш, солиштириш, умумлаштириш ва бошқалар) ёрдамида амалга оширади.

Амалдаги кредит модул тизимида ўқув режасига кўра талабаларнинг ҳафталик максимал ўқув юкламаси соат ҳажми ҳисобидан 100 фоизда белгиланса, шундан 40 фоизи аудиторияда, 60 фоизи мустақил таълимга ажратилган. Ўқув дастурлари ўзгариши жараёнида фанларнинг бир қатор масалалари ва муаммолари мустақил таълим орқали ўрганилиши кўзда тутилган. Талабанинг мустақил иши аудиторияда ва ундан ташқарида ўқитувчи раҳбарлигида ёки унинг иштирокисиз амалга оширилади: Бевосита аудиторияда – маъруза амалий машғулот, семинар ёки лаборатория ишлари бўйича вазифалар бериш жараёнида; дарсдан ташқари пайтлардаги бевосита маслаҳатлар беришда, ижодий мулоқотлар жараёнида, яқка топшириқ бажаришда ва бошқалар. Ахборот ресурс марказида, ўз уйларида, талабалар уйларида, кафедраларда талаба томонидан ўқув ёки ижодий топшириқларни бажариш жараёнида.

Тадқиқотлар натижасида таълим технологияларини таҳлили асосида методлар мажмуасини ўзида жамлаган РМВоК технологиясидан машғулотларда самарали фойдаланилди. РМВоК (Project Management Body of Knowledge - таълимни бошқаришда лойиҳалаш мажмуаси ҳисобланади. РМВоК бугунги кунда мавжуд бўлган лойиҳаларни бошқариш таълим соҳасидаги барча билимларни бирлаштириш ва тавсифлашга уринишдир. Аслида уни ўзига хос энциклопедия дейиш мумкин, аммо амалий қўлланма сифатида қарамаслик керак. Унда фақат ўрганиш учун маълумотлар, методларнинг тавсифлари ва иш бўйича тавсиялар мавжуд (топилган қийматни бошқариш (EVM методи), тез ёндашув, қарорлар дараҳти, тахминларни таҳлил қилиш, роллинг тўлқин методи, тармоқ таҳлили, ақлий хужум, дастурларни баҳолаш ва таҳлил қилиш (PERT методи), Monte-Karlo методи, Delphi методи, вариант таҳлили, “Тугунларда операциялар” методи (PDM-методи), SWOT таҳлили, Критик занжир методи, Критик йўл методи (CPM методи), парчаланиш, кутилаётган пул қиймати таҳлили (EMV методи), сезувчанлик таҳлили, қабул қилинган қиймат методи, носозликлар табиати ва оқибатларини таҳлил қилиш (FMEA-методи).

Тадқиқот давомида рақамли технологиялар шароитида талабаларнинг таълим жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришда фан дастурлари, ўқув режалари, рақамли дарсликлар, осонлаштирилган QR-код орқали юклаб олишлар, мултимедиали дастурлар билан биргаликда айнан корхоналардаги ишлаб чиқаришлар учун мўлжалланган дастурлар ҳам қўлланилди. SolidWorks - дастурий маҳсулоти автоматлаштирилган дизайн (САПР) ва 3D моделлаш учун ишлатиладиган энг кенг тарқалган дастурий восита ҳисобланади. Пакет келгуси 3D босиб чиқариш учун тафсилотларни яратишга имкон беради. Бу дизайнерни ҳар қандай хатолардан ҳимоя қилади, бу муқаррар равишда маҳсулотнинг проекцияларини қўлда чизиш жараёнида пайдо бўлади. Nx-CAD/CAM/CAE – Siemens PLM Software томонидан ишлаб чиқарилган тизим бўлиб, дастур

парасолид геометрик моделлаш ядросидан фойдаланади. NX UNIX ва Linux, MacOS X, Windows каби операцион тизимларда ишлайди. Plant Simulation – тизим ва жараёнларни симуляция қилишнинг дастурий таъминоти ҳисобланиб, ишлаб чиқариш тармоғидан индивидуал чизиклар ва участкаларга лойиҳалаштиришнинг барча даражалари учун оптималлаштириш, ресурсларни юклаш, логистика ва бошқарув учун мўлжалланган.

Талабаларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш корхонасидаги амалиёт жараёнлари муҳим ҳисобланади. Унинг мақсади-талабаларнинг назарий машғулотлар жараёнида олган билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, мутахассислик бўйича амалий кўникмаларни ривожлантириш ва малакаларни шакллантиришдан иборатдир. Амалиёт – бу махсус инсоний, онгли, мақсадга йўналтирилган, ҳиссий-предметли, моддий фаолият ҳисобланади. Ҳар қандай амалиёт объектив (олд шартлар, воситалар ва якуний натижа) ва субъектив (интеллектуал қобилиятлар, фикрлаш, билим ва амалий тажрибасидан фойдаланадиган инсоннинг муайян фаолияти) омилларнинг яхлитлиги сифатида тавсифланади. Ишлаб чиқариш корхоналарида талабалар, амалиётни муваффақиятли ўташи учун таълим муассасаси ўқув режа ва фан дастурларига мувофиқ талабаларнинг дастлабки назарий ва амалий тайёргарлигини таъминлайди.

Таълим жараёнида талабалар, аввало, машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автоматлаштириш, бакалаврият таълим йўналишлари учун назарда тутилган техникалардан хавфсиз фойдаланишга оид қоида ва талаблар, иш жойидаги ҳатти-ҳаракат қоидалари, ишлаб чиқариш санитарияси қоидалари, ёнғин хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларини пухта ўзлаштиришлари керак. Касбий компетенцияларни ривожлантиришда таълим жараёнининг вазифалари: талабаларнинг амалий машғулотларда фаолиятини ташкил этиш; амалий машқлардаги фаолиятини такомиллаштириш; фикрлаш, ижодкорлик қобилиятини шакллантириш; дунёқараши ва муаммоларни ҳал этиш кўникмасини шакллантириш; амалий кўникма ва малакаларини такомиллаштириш.

Амалий машғулот жараёнининг таркибий компонентлари: таҳлил, синтез, таққослаш, тизимлаш; амалий машқлар ва қонуниятларни билиш сабабли алоқаларни тушуниш, англаш; амалий кўникма ҳосил қилиш ва тизимлаш; амалиётда мавжуд муаммоларни мустақил ҳал этиш фаолияти; ўз-ўзини назорат қилиш, эришилган амалий кўникмаларни ташхис қилиш; амалий машғулот натижасининг идеал даражада бўлишини олдиндан билиши.

Талабаларнинг ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида амалий кўникмаларини ривожлантириш бўйича ишлар ишлаб чиқариш корхоналарида олиб борилади. Ишлаб чиқариш амалиётидаги талабаларни гуруҳларга ажратишни мақсадларга мувофиқ: когнитив, билиш ва таълим мақсадлари (назарий таълим жараёнида олинган билимларни мустаҳкамлаш) ва ижтимоий йўналтирилган мақсадлар (мулоқотлар, гуруҳ ёки жамоавий ҳамкорликдаги ўзаро алоқалар, ахборот алмашинуви тажрибасига ўрганиш). Ана шу

мақсадлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш корхонасида замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехлар танлаб олиниб, амалий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтирилган талабалар амалиётини ташкил этиш тавсия этилади. Талаба малакавий ишлаб чиқариш амалиётини қўйидаги корхона ва ташкилотларда олиб борилди: Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, вилоят, шаҳар ҳамда туман қурилиш бошқармалари, “Artel Electronics” компаниясининг муайян ташкилотлари ва корхоналари: “Quality Electronics”, “Next Generation Product”, “Prime Electric Engineering”, MIMAR Group компаниясининг муайян ташкилотлари ва корхоналари, “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” давлат унитар корхонаси ва унинг ҳудудий бошқармалари.

**“Тажриба-синов ишлари таҳлили”** деб номланган тўртинчи бобда педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, талабаларни касбий фаолиятга тайёргарлигини баҳолаш мезонлари ва индикаторлари, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг миқдор ва сифат таҳлили баён қилинган.

Тажриба-синов ишлари қўйидаги учта босқичда амалга оширилди:

Ўрганувчи тажриба-синов босқичи (2019-2020 йиллар)да, Тошкент шаҳридаги Аджу университети (ТАУ), ТДТУ ва ТКТИ таълим ташкилотларида фанларни ўқитишнинг ахволи таҳлил қилинган ҳолда ўтказилди.

Шаклландувчи босқичда тажриба-синов ишлари предмети билан боғлиқ бўлган ҳолатлар ўрганилиб, таҳлил қилинди ва бу жараёни ифодаловчи тест топшириқлари ва анкета сўровлари ишлаб чиқилди ва улар асосида ишлаб чиқариш корхоналарида фойда қўрсатаётган амалиёт раҳбарлари тажрибада қатнашган ОТМларда таҳсил олаётган талабалар билан сўровлар ўтказилиб натижалари таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи – ижро босқичида (2020-2021 йиллар) махсус ташкил этилган машғулотларда ОТМ лар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги умумкасбий фанларни ўқитишда замонавий рақамли технологияларни қўллаш бўйича ўтказилган сўровлар ва педагогик тадқиқотлар таҳлили асосида умумкасбий фанлар блоки бўйича тайёрланган ўқув дастури учун тузилган режани қўллаш мумкин ва ўқув-методик мажмуани ўқитишда фойдаланса бўлади деган хулоса чиқарилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи (2021-2022 йиллар)да талабаларнинг умумкасбий фанларни ўрганишга оид билим, кўникма ва малакаларининг шаклланди даражалари аниқланди, яъни қўйидаги ишлар амалга оширилди: тажриба синов ишларининг иккинчи босқичдаги тузатишлар яна давом эттирилди; ўтказилган тажриба синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда илмий-услубий хулосалар чиқарилди ва расмийлаштирилди; тажриба синов ишларида иштирок этган олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг фикрлари доимо эътиборга олиниб турилди; тадқиқот давомида тўпланган барча маълумотлар математик статистика методларидан фойдаланган ҳолда баҳоланиб, унинг ишончли эканлиги исботлаб чиқилди ва услубий ишланмаларни ўқув жараёнига жорий этишга оид услубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тажриба-синов ишларини амалга ошириш учун 2019-2022 йиллар мобайнида ТАУ, ТКТИ, ТДТУ олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида анкета ва тест топшириқлари ўтказилиб борилди.

Мазкур сўровлар якунига кўра талабалардан тажриба-синов иштирокчилари, умумқасбий фанларни ўзлаштиришга оид билим, кўникма ва малакалари мавжудлиги ҳамда ўқув материални ўзлаштириш даражаси каби кўрсаткичларга асосланиб саралаб олинди. Бунда қайд этилган олий таълим муассасалари кредит-модуль тизимида таҳсил олаётган 307 нафар талаба тажриба-синов ишларига жалб қилинди.

Турли методлар ва воситаларни таълимга жорий қилиш самарадорлигини баҳолаш муаммоси В.П.Беспалько, В.М.Блинов, В.М.Вергасов, В.И.Михиев, Л.М.Фридман ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий тадқиқот ишларида қараб чиқилган. Илмий педагогик адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ўқитиш методлари ва воситаларининг самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги микдорий мезонлари кенг тарқалган: ўзлаштириш натижалари бўйича, билимларнинг мустақкамлиги бўйича, сарфланадиган ўқув вақти бўйича ва ҳаказо.

Тажриба-синов ишларининг объекти қилиб қуйидагилар олинди:

ОТМ ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳамкорлиги бўйича ўқув-услубий мажмуасининг асосий компонентлари: олий таълим, малака талаб, ўқув режа ва ўқув дастурлари; олий таълим муассаса талабаларининг амалиёт жараёнларини корхоналарда ўзлаштиришлари асосида рақобатбардош кадрлаш тайёрлаш жараёни ва мазмуни.

Юқоридаги таҳлил ва мезоннинг хулосасига кўра барча олий таълим муассасаларида танлаб олинган гуруҳларнинг билим даражаси бир хил ва улар билан тажриба синов ишларини ўтказиш мумкин деган хулосага келинди. Қасбий фаолиятга тайёрлашда қасбий билимларни ишлаб чиқариш амалиётида электрон таълим платформасидаги топшириқлар тўпламини бажариш орқали аниқлаш мумкин.

Мавзуларга қараб электрон ўқув топшириқларининг тури ва мазмуни ўзгаради. Берилган топшириқларнинг бажарилганлигига қараб электрон тизимдан фойдаланиши ва билимларни ўзлаштирилганлиги ҳақида маълумотларни олишга имкон беради.

Ушбу мезонлар ва формулалар асосида олиб борилган тадқиқот ишларнинг тажриба синов ишларини ўтказилгандан сўнгги натижалари эса, қуйидаги жадвалда келтирилди.

Юқоридаги жадваллар ва уларнинг натижаларига кўра, ўртача ўзлаштириш ва самарадорлик кўрсаткичлари қуйидагиларни ташкил этади. Тажриба-синов натижаларини таҳлил қилиш қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди. Шундай қилиб, статистик таҳлил натижаси янги методика бўйича индивидуал шуғулланиш жараёнида талабалар ўз билимларини назорат қилиш, йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида бартараф этиш каби ижобий хислатларни намоиш қилишди. Фаол иштирок этмайдиган талабалар сони камайди, ўзлаштириш сифати яхшиланди ва таълим самарадорлиги ошди.

**Талабаларини касбий фаолиятга тайёргарлигини  
баҳолаш мезонлари ва даражалари**

Мезон индикаторлари	Паст (репродуктив)	Ўрта (продуктив)	Юқори (ижодий)
мотивацион	касбий фаолиятга доир тушунчаларни англашда муваффақиятга интилиш	Касбий фаолиятни такомиллаштириш ва амалга оширишга бўлган мотивациянинг мавжудлиги	Касбий фаолиятда мавжуд бўладиган муҳандислик ижодий ечимга тайёрлик
интеллектуал	Касбий фаолиятга доир тушунчаларни ўқитувчи ёрдамида ўзлаштиради.	Касбий фаолиятга оид билим ва кўникмаларни бажарилишдаги ҳаракатлар кетма-кетлиги ҳақида тасаввурга эга бўлади.	Касбий фаолиятга оид тушунчаларни билади ва уларни бошқа тушунчалар билан боғлай олади.
амалий-фаолиятли	Касбий фаолиятни ўрганишда ўқитувчи ёрдамида ва йўриқномаси асосида бажара олади.	Касбий фаолиятга оид билимларни намунага қараб ва стандарт ҳолатда бажара олади.	Касбий фаолиятга оид ўқув топшириқларни ўқитувчи ёрдамисиз аммо онлайн берилган йўриқнома билан бажара олади.
ҳиссий-иродавий	Касбий фаолиятга оид билимларни ўзлаштиришда ўқитувчи берган намуна асосида анимация ярата олади.	Касбий фаолиятга оид билимларни ўзлаштиришда ва вазифаларни бажаришда мулоҳаза юрита олади, ўз-ўзини ривожлантиришга интилади.	Касбий фаолиятни яратишга хоҳиши юқори бўлиб, берилган вазифаларни юқори савияда бажаради.
рефлексив	Касбий фаолият бўйича топшириқларга берилган жавобларнинг ўзига хослиги ва ечимни юқори даражада ишлаб чиқа олади.	Касбий фаолият бўйича ижодий жараёни ташкил этиш кўникмалари шакллантира олади ва унга зарур бўлган усулларни танлай олади.	Касбий фаолият бўйича ўз ижод салоҳиятини фаоллаштириш қобилиятига эга бўлади, тасаввурни қўллай олади.

**Тажриба ва назорат гуруҳларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари**

Гуруҳлар	$x_1, x_2, x_3, \dots$ $x_n$ –биринчи тўплам ва $U_1, U_2, U_3, \dots$ $U_n$ лар иккинчи тўплам	ишончлилик интервалли	вариация коэффицентлари	Стандарт хатоликлар	ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари	номаълум назарий ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари оралиқлари	сифат кўрсаткичлари:
тажриба	$\bar{x}$	0,09397	19,7	0,84	4,29	4,19; 4,38	$K_{усб} > 1$
назорат	$\bar{y}$	0,08740	21,1	0,78	3,69	3,60; 3,77	$K_{бдб} > 0$

Ушбу жадваллар асосида гуруҳларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари диаграммаларда берилган.



**4-расм. 2020-2021-ўқув йилидаги ОТМда тажриба-синов ишлари кўрсаткичлари**

Тажриба-синов гуруҳлардаги талабалар билимлари мустаҳкамлиги ошишининг асосий сабабларидан бири дидактик, методик ва техник характеристикалари ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳамкорликлар орқали такомиллашган амалиёт жараёнларида талабаларда билиш доирасининг фаоллашуви натижаси деб ҳисоблаш мумкин.

Олинган натижалардан, тажриба-синовларнинг натижалари шуни кўрсатдики, рақамли дастурий ишланмалар ўқув жараёнига ОТМ ва корхоналарнинг ҳамкорликларини жорий қилган ҳолда амалиёт жараёнларини ишлаб чиқариш корхоналарига татбиқ қилиш (жорий қилиш) ва уларни таълим жараёнида қўллаш талабаларнинг касбий тайёргарлик сифати ва самарадорлигини 16% га оширди.

## ХУЛОСАЛАР

Амалга оширилган илмий таҳлиллар, тақдим этилган дидактик, методик, ишланмалар ва тавсияларни умумлаштирган ҳамда уларнинг самарадорлик даражасини баҳолаган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Олий таълим муассасалари олий таълим муассасалари ва корхоналар ўртасидаги ҳамкорликни амалга ошириш жараёнларига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш назарияси таҳлили шуни кўрсатдики, келгусида битирувчи курс талабалари тўлиқ иш билан таъминланишининг педагогик тизимини яратиш ва такомиллаштириш долзарб педагогик муаммолардан ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, хорижий тажрибаларга асосланган касбий фаолиятга тайёрлашнинг рақамли технологиялар муҳитида таълимда

корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштиришни тақозо этди.

2. Рақамли технологиялар муҳитида таълимда корпоратив ҳамкорлик жараёнларини педагогик лойиҳалаштириш бўйича педагогик, психологик, фалсафий ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш орқали иш берувчи талаби асосида доимий такомиллаштириб бориш зарурияти асосланди.

3. Тадқиқот мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Рақамли технологиялар муҳити”, “корпоратив ҳамкорлик”, “педагогик лойиҳалаштириш” тушунчаларига оид апаратини чуқурлаштирувчи ва аниқлик қиритувчи таърифлар ҳамда “педагогик лойиҳалаштириш” тушунчасига муаллифлик таърифи келтирилган.

4. Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнларини педагогик имкониятлари тафаккур динамикаси, босқич назарияларининг чегаралари, ўз-ўзини назорат қилиш, ижодкорлик, мотивация, мақсадни белгилаш, ижтимоий контекстларни мослаштириш ҳамда субъект-субъект алоқадорлигини форматив ва сумматив баҳолаш асосида такомиллаштирилган. Талабаларнинг зарурий касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантиришнинг ахборот-дидактик таъминоти ишлаб чиқилди ва амалий жараёнларга тадбиқ этилди.

5. Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш модели квантлаш, тўлақонлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, компьютер кўмаги мазмунини касбий фаолиятга визуал лойиҳалаштириш ҳамда конструкторлик дастурларини ишлаб чиқариш соҳасига касбий трансформациялашнинг таркибий тузилмаси ва функционал талабларининг уйғунлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилди.

6. Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш тамойиллари (квантлаш, тўлақонлилик, кўргазмалилик, эркин бошқариш, мослашувчанлик, компьютер кўмаги) мазмуни ва модели касбий фаолиятга тайёрлигини аниқлашни визуал лойиҳалаштиришда конструкторлик дастурларини ишлаб чиқариш соҳасига касбий трансформациялашнинг таркибий тузилмаси ва функционал талаблари такомиллаштирилди.

7. “Фан-таълим-ишлаб чиқариш ҳамкорлиги”ни лойиҳалаштириш жараёнлари ўзаро алоқа тизимлари, мотивацион, интеллектуал, рефлексив, иродавий сифатлар, ижтимоий контекслар ҳамда мотивацион-интеллектуал ва амалий фаолиятли вазиятларни касбий трансформациялаш такомиллаштирилди ва шу асосда касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик лойиҳалаштириш модели ҳамда уларни жорий этиш методикаси ишлаб чиқилди.

8. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорликни педагогик лойиҳалаштириш таркибий тузилмаси ташкилий-дидактик шарт-шароитлари методик РМВоК (Project Management Body of Knowledge) технология ва таълимда очик таълим дастурлари, академик ахборот тизимлари, [www.ajou.ais.uz](http://www.ajou.ais.uz), Smart technology таъминоти ҳамда маънавий-ўзгартирувчи

ҳаётий фаолият ва замонавий таълим шароитини ишлаб чиқиш асосида инновацион технологиялари ва шакллари ишлаб чиқилди.

9. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлаш, инновацион касбий компетентлигини шакллантириш ва ривожлантиришда Agile лойиҳаларни бошқариш тизими элементларидан фаолият турларини мослашувчанлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

10. Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштирилди ҳамда ишлаб чиқилган технология (методик ва дастурий таъминот)лар тажриба-синов майдонлари сифатида танлаб олинган ОТМларнинг талабаларини касбий фаолиятга тайёрлаш жараёнига татбиқ этилди.

11. Талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш рақамли таълим муҳити асосида амалга оширилди. Бунда таълим шакллариининг ҳар бирида мақсад ва натижа компонентлари қамровида компетенцияларни ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган технологиялар самарали натижа беради.

12. Рақамли таълим муҳитида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашда корпоратив ҳамкорлик жараёнини педагогик лойиҳалаштириш танқидий таҳлил қилиш амалга оширилди. Олинган натижалар асосида интерфаол таълим методларидан самарали фойдаланиш учун тавсиялар ишлаб чиқишга имкон берди. Тажриба-синов иши тажриба ҳамда назорат гуруҳларида қиёсий тавсифга хос тарзда олиб борилди. Қиёсий тажриба ўтказиш вақтида тажриба ҳамда назорат гуруҳлари талабалари таълимининг самарадорлик даражаси ўртасидаги фарқ аниқланди, “хи-квадрат” мезони ёрдамида мазкур кўрсаткичлар фарқининг аҳамияти баҳоланди. Шу билан бирга ўлчов ишлари номланишлар шкаласи бўйича ўтказилди.

13. Олиб борилган педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳларида касбий фаолиятга тайёрлаш кўрсаткичи ўртача 1,16 баробарга, яъни 16 фоизга ошди. Бу эса, биз томонимиздан таклиф этилган модел ва методикани самарали эканлигини исботлайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**МАМАТОВ ДИЛМУРАД НАРМУРАТОВИЧ**

**ПЕДАГОГИЧЕСКОЕ ПРОЕКТИРОВАНИЕ ПРОЦЕССОВ  
КОРПОРАТИВНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА В ОБРАЗОВАНИИ  
В ЦИФРОВОЙ ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ СРЕДЕ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2021.3.DSc/Ped244.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный консультант:** **Бегимкулов Узокбой Шоимкулович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Карлыбаева Гулжахан Ермакбаевна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Хамидов Жалил Абдурасулович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Химматалиев Дўстназар Омонович**  
доктор педагогических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ферганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2023 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27). Тел.: (+99871) 276-79-11; факс: (+99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №\_\_\_\_\_). (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом № 27. Тел.: (+99871) 254-92-02; факс: (+99871) 215-54-20.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(протокол рассылки №\_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**З.Н.Мамаражабова**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

**Р.Г.Исянов**  
Ученый секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
к.п.н., доцент

**С.С.Булатов**  
Председатель Научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Педагогически разработанные технологии и модели корпоративного сотрудничества внедряются в практику подготовки конкурентоспособных кадров в учебных заведениях мира. Проводятся системные работы по отраслево-вузовскому сотрудничеству, отвечающие требованиям коммерциализации на основе формирования сложных психических систем, регулирующих социальное поведение, развития качеств активных партнеров и соавторов студентов, обеспечения интеграции науки, образования и производства на основе цифровых технологий, реализации масштабных проектов, направленных на создание и внедрение новых моделей.

В мировых образовательных и научно-исследовательских учреждениях проводятся научные исследования по созданию модели взаимодействия вуза-предприятия путём обобщения и развития положительных результатов, достигнутых на основе передового опыта образования, совершенствования единых информационно-образовательных порталов образования в сферах профессионального образования и оказания информационно-методической поддержки, развития дуального образования в системе подготовки кадров для наука технологических холдингов и промышленных корпораций. При этом студентам, преподавателям и исследователям следует расширить доступ к мировым образовательным ресурсам, электронным каталогам и базам данных современной научной литературы, создать многофункциональное пространство для инновационного управления образованием, профессионально-педагогических исследований, многопрофильную среду для развития субъект-субъектного взаимодействия.

В последние годы в нашей республике внедрены международные стандарты оценки качества образования и подготовки кадров, повышения качества и эффективности деятельности высших учебных заведений, создания эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений, специализированных научных учреждений и создаются экспериментальные лаборатории в высших учебных заведениях и научно-исследовательских институтах, высокотехнологичные нормативные базы для организации центров и технопарков. В связи с этим определены приоритетные задачи: «перевести процесс высшего образования в цифровой формат, обеспечить передачу знаний на основе широкого внедрения цифровых образовательных технологий, внедрить информационные системы формирования знаний, умений и компетенций с учетом личностных особенностей каждого обучающегося, расширить методы проектного обучения...»<sup>6</sup>. В результате, открываются возможности постепенного внедрения программы «STEM» в систему образования в ближайшем будущем, расширились разработки типовых моделей новых государственных требований и образовательных стандартов на ближайшее десятилетие в соответствии с глобальной целью «НЕСІ».

Данное исследование в определенной степени послужит выполнению поставленных задач в Указах Президента Республики Узбекистан № ПЗ-2909

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/5068549>

«О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПЗ-3775 «Повышение качества образования в высших учебных заведениях и их активное участие в комплексных реформах» от 5 июня 2018 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 824 «О мерах по совершенствованию системы, связанной с организацией образовательного процесса» от 31 декабря 2020 года, № 655 «О мерах по трансформации высших учебных заведений в сотрудничестве с престижными зарубежными высшими учебными заведениями» от 27 октября 2020 года и других нормативно-правовых документов, связанных с данной деятельностью.

**Соответствие исследований приоритетам развития науки и техники республики.** Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и техники республики I. «Пути формирования и реализации системы инновационных идей при социальном, правовом, экономическом, духовно-нравственном и культурном развитии информационного общества и демократического государства».

**Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации<sup>7</sup>.** Научные исследования по педагогическому проектированию процессов корпоративного сотрудничества в образовании в среде цифровых технологий проводятся в ведущих мировых научных центрах и высших учебных заведениях, Массачусетском технологическом институте, Принстонском университете (США), Кембриджском университете (Великобритания), Сеульском национальном университете, Университете Аджу (Корея), Университете Фудань, Шанхайском университете (Китай), Мюнхенском техническом университете (Германия), Сингапурском университете управления (Сингапур), МГУ, Казанском государственном архитектурном-строительном институте (Россия).

Уровень педагогического проектирования процессов корпоративного сотрудничества в образовании в среде цифровых технологий разработан на основе тенденций выявления инновационных компонентов (Массачусетский технологический институт, Принстонский университет). В образование внедрены новые модели отраслево-вузовского сотрудничества, отвечающие требованиям педагогического проектирования, интеграции науки, образования и производства на основе цифровых технологий и коммерциализации (Кембриджский университет (Великобритания)); разработаны лучшие технологии в сотрудничестве с производственными предприятиями, возможностями коммерциализации и созданы исследовательские модели на основе инфраструктуры (Сеульский национальный университет, Аджуйский университет (Корея)); модель подготовки кадров «2+1+1» и «Двойная система

---

<sup>7</sup> Мазкур кием куйидаги манбалар асосида ёритилган: “UNESCO Strategy for Technical and Vocational Education and Training adopted at Executive Board” (2022); Digital Transformation in TVET (2021), Higher education in Uzbekistan: structure, developments and reform trends. Tashkent: United Nations Development Programme Representative Office in Uzbekistan // European Commission. (2012), Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти: пед. фан. док. дис. – Т.: ТДПУ, 2007. – 305 б.; Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантириш. – Т.: Фан, 2004, 124 б., Сафин Р.С. Непрерывное образование: новые реальности: Монография. – СПб. СПбГЭУ, 2020. – 197 с., Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дис. ... д-ра пед. наук. – СПб., 1995.

образования» успешно внедрены в Германии (Технический университет Мюнхена); повышена конкурентоспособность национальной промышленности; создана новая модель системы сотрудничества между промышленностью и университетами, объединяющая предприятия, научно-исследовательские институты, правительство и органы местного самоуправления (Сингапурский университет менеджмента (Сингапур)); налажены отношения сотрудничества с различными университетами Delta Group в Китае, необходимым предприятиям предоставлены учебные помещения и практические базы для развития талантов. Путем объединения опыта зарубежного сотрудничества вуз-предприятие с современными национальными условиями образования в Китае сформировалась «заказная» модель сотрудничества вуз-предприятие (Университет Фудань, Шанхайский университет (Китай)); разработаны современные технологические проблемы, технологии и ноу-хау, система технологических холдингов и система подготовки кадров для производственной кооперации (МГУ, Казанский государственный архитектурно-строительный институт (Россия)).

